

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 28 ноябрь, № 231 (5651) Чоршанба


# Инвестиция ва қулай ишбилармонлик муҳити

## экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтирмоқда

*Иқтисодий барқарорликка эришишда инвестициянинг аҳамияти катта. Шу боис юртимизда чет эл сармояси иштирокидаги саноат корхоналари сонини кўпайтириш ҳамда маҳаллий хом ашёдан экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бунда хорижий инвесторлар учун яратилган қулай ишбилармонлик муҳити муҳим омил бўлаётир.*



### Интилиш

Биргина Бухоро вилояти мисолида оладиган бўлсак, ҳудудда жорий йилнинг тўққиз ойида саноатни ривожлантириш дастурига мувофиқ, 19 та лойиҳа амалга оширилиб, 3,3 миллион АҚШ долларилик чет эл инвестицияси ўзлаштирилди. Пировардида шу давр мобайнида 1,5 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрлашга эришилди. Бу каби муваффақиятларда "ДЭУ Текстайл Бухоро" масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб ўрни бор.

Моҳигул Сафоева ана шу корхонада меҳнат қилади. Шофиркон иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини тугатган бу тиришқоқ қиз жамоада тезда ўз ўрнини топиб улгурди. Устози Гулинисо Эшовадан йигирувчилик сирларини пухта ўрганган Моҳигул ҳозир корхонанинг пешқадам ишчиларидан.

— "ДЭУ Текстайл Бухоро"да меҳнат қилаётганимдан бахтиёрман, — дейди у. — Кўриб турганингиздек, бу ерда биз учун барча қулайлик яратилган. Махсус кийим-кечак ҳамда шовқин пасайтиргич қурилмаси билан таъминланганмиз. Вазифам у қадар қийин эмас — автоматлаштирилган технологияларни бошқариш. Ҳозиргача бу жараённи пухта ўзлаштириб олдим.

Моҳигулнинг таърифида зиғирча муболаға йўқ. Жанубий Кореянинг "ДЭУ Интернейшнл" корпорацияси томонидан тўғридан-тўғри киритилган 52 миллион 500 минг АҚШ долларилик инвестиция эвазига барпо этилган ушбу корхона замонавий технологик линия билан жиҳозланган. Бу ерда Швейцария, Япония, Италия, АҚШ, Франция сингари ривожланган мамлакатлардан келтирилган илғор дастгоҳларни кўриш мумкин. 2009 йил 15 сентябридан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришга киришган корхона нисбатан қисқа муддат ичида Европа ва Осиёнинг йигирмадан зиёд мамлакатларидан буюртмалар қабул қила бошлади. Ўз навбатида, хорижлик мижозларнинг ишончли ҳамкорига айланиб улгурди. Бу ерда тайёрланаётган калава ипнинг асосий қисми экспортга йўналтирилмоқда. "ДЭУ Текстайл Бухоро" йилига 16 минг тонна бир ўровли, 1 минг 660 тонна икки ўровли калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга.

**Бухоро вилоятида жорий йилнинг 9 ойида**
**1,5 триллион**
**сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.**



— Жорий йилнинг ўтган 10 ойида 10684 тонна маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга жўнатилди, — дейди корхона мутасаддиси Абдураҳмон Ҳамроев. — Экспорт бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари ортиғи билан уддаланди. Эришилаётган ютуқларда ишчи-ходимларимизнинг ҳиссаси катта, албатта. Бизда айни пайтда 770 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлардир.

Дарҳақиқат, илғор дастгоҳ ва ускуналар нечоғли замонавий бўлмасин, уларни бир маромда ишлатиш ҳам маҳорат, ҳам малака талаб этади.

(Давоми 2-бетда).

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

*Аёнки, фуқаролик жамиятини шакллантириш, хусусан, халқимизнинг асрий анъаналарини ўзида мужассам этган маҳалла институтини ривожлантириш орқали оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш устувор вазифалардан биридир.*

# Маҳалла – оилалар таянчи ва суянчи

Хусусан, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастуридан келиб чиқиб, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, оила институтининг моддий ва маънавий асосларини янада мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол инсон қилиб вояга етказишда маҳалланинг ролини ошириш бўйича муҳим чоралар кўрилаётир.

Ҳозир оилаларнинг, айниқса, ёш оилаларнинг муаммоларини ўз вақтида ва мустақил ҳал этиш, уларнинг манфаатларини қонун йўли билан ҳимоя қилишда фуқаролар йиғинлари таъсири ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Буни "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини кучайтириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур кўмак ва ёрдам кўрсатишдаги таъсирини ошириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилгани ҳамда шу юзасидан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, унинг худудий бўлим ва бўлинмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, унинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, жисмонан соғлом, маънавий етук авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мазкур жараёнда жамият маънавий негизларини ривожлантириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашда оиланинг ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган кенг кўламли юмушлар бажарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Фармацевтика саноати ривожига бағишланди

*Кеча Тошкентда мамлакатимизда фармацевтика саноати ривожланишининг бугунги ҳолати ва истиқболлари масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

### Анжуман

Мазкур тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва "Ўзфармсаноат" давлат-акциядорлик концерни ҳамкорлигида БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистон бизнес форуми (2-фаза)" лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан фармацевтика соҳасига қаратилаётган эътибор, яратиб берилган қулай шарт-шароит туфайли у мустақиллик йилларида иқтисодиётимизнинг энг муҳим тармоқларидан бирига айланди. Бугунги кунда соҳага ихтисослаштирилган корхоналар сони 3 тадан қарийб 130 тага етгани, ишлаб чиқариш ҳажми эса 10 маротаба ошгани бунинг яққол далилидир.

Фармацевтика саноати, айниқса, кейинги йилларда жадал суръатларда ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 ноябрдаги "2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мавжуд қувватлар хорижнинг замонавий технологик линиялари билан жиҳозлангани бунда муҳим аҳамият касб этаяпти. Натижада биргина 2011 йил давомида 296,4 миллиард сўмлик препаратлар ишлаб чиқарилиб, аввалги йилдагига нисбатан 25 фоиз ўсишга эришилди. Тайёрланган дори воситаларининг асосий қисми импорт ўрнини босувчи эканлиги эътиборга молик. Улар нафақат ички эҳтиёжни таъминлаяпти, балки дунёнинг кўплаб давлатларига экспорт қилинаяпти. Аниқроғи, айни пайтда 230 номдаги дори воситалари чет эллик харидорларга етказиб берилаётир.

— Корхонамизда 30 турдаги дори воситасини тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, уларга ички ва ташқи бозорда талаб ниҳоятда катта, — дейди "Jurabek Laboratories Ltd" қўшма корхонасининг маркетинг ва савдо бўлими бошлиғи Азиз Соипов. — Масалан, 2011 йилда бир миллион АҚШ долларилик маҳсулот 10 га яқин давлатларга экспорт қилинди.

(Давоми 2-бетда).

# Амалий натижалар таҳлили

*Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси тизимида ҳисобот-сайлов конференциялари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Унда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталарининг ўтган беш йилдаги фаолияти, хусусан, аёлларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг оилада, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш каби масалалар чуқур таҳлил қилинмоқда. Бу ҳақда "Халқ сўзи"нинг вилоятлардаги мухбирлари хабар берадилар.*

### Ҳисобот-сайлов конференциялари

**БУХОРО.** Ўз атрофига 2214 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган вилоят хотин-қизлар қўмитаси соғлом авлодни вояга етказиш, аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ вазифаларни бажаришда фаоллик кўрсатмоқда. Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида ана шуларга алоҳида урғу берилди.

Тадбирда қўмита томонидан Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди. Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган конференцияда вилоят хотин-қизлар қўмитаси фаолияти сарҳисоб этилди, кун тартибида турган долзарб масалалар ва улар ечими юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Унда сўз олганлар қўмитанинг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли деб ҳисоблаб, хотин-қизларнинг фуқаролик жамиятини шакллантириш, уларнинг оилани мустаҳкамлашдаги ролини ошириш, давлат ва жамоат ишларидаги иштирокини фаоллаштириш юзасидан 2013 — 2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат Дастурига доир таклифлар билдирдилар. Шу билан бирга, ёшларни оилага тайёрлаш, хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ошириш, бандлигини таъминлаш каби қатор масалалар бўйича фикрлар ўртага ташланди. Қўмитанинг давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлиги уқтирилди.

Тадбирда Республика хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайланди. Унинг ташкилий пленумида вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси этиб Зулфия Тўйева сайланди.

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига




*Ўзбекистон мустақилликка эришгач, эркин бозор иқтисодиёти ва кучли ижтимоий ҳимоя тизимига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил бормоқда. Бу мақсадларни рўёбга чиқариш борасида мамлакатимиз Конституцияси ва у асосида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилаётир.*

# Иқтисодий тараққиётимизнинг ҳуқуқий кафолати

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганидек, эришган ютуқларимиз, бугунги тинч-осуда ҳаётимиз, эртанги кунга бўлган ишончимиз, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимиз негизида Конституциямизда белгилаб берилган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ҳамда уларни оғишмай ҳаётга татбиқ этаётганимиз мужассамдир. Хусусан, Асосий Қонунимизда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати тўғрисидаги нормалар мустаҳкамлангани жамиятда инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун эканлигини кафолатлаб келмоқда.

Буни суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва унинг самаралари мисолида ҳам кўриш мумкин. Аввало, судлар мустақиллигини таъминлашга катта эътибор қаратилганини айтиш зарур. Конституциянинг 106-моддасидан келиб чиқиб, юртимизда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритадиган алоҳида ҳокимият сифатида фаолият юрита бошлади. Айни чоғда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ этиш, маъмурий, жиноий ва хўжалик ҳуқуқи соҳаларига оид қонунчиликни либераллаштириш, одил судлов фаолиятининг сифат ва самарадорлигини ошириш, судларнинг мустақиллиги ва масъулиятини, уларнинг ўрни ва таъсирини кучайтириш, муҳими, миллий тараққиёт ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, судларни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбиркор ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги мустақиллигини таъминлашда ўзига хос концепция жорий қилинди. "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан фуқаролик, жиноий ва хўжалик ишлари бўйича судлар ташкил этилди, кассация инстанцияси ислоҳ қилинди, тортишувли ҳолатларни ҳал этишнинг муқобил механизмлари, суд ишларини қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби киритилди, судьяларни танлаш ва тайинлашнинг адолатли механизми яратилиб, судьялар мақоми янада мустаҳкамланди.

Суд-ҳуқуқ тизими, хусусан, хўжалик судларини бугунги кун талаби даражасида такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар билан узвий ҳолда хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, пировардида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасида ҳам кўплаб хайрли ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Вазифалар белгилаб олинди

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳуқуқ-тартибот органлари, давлат бошқаруви идоралари, жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг Идоралараро ҳамда республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилишлари бўлиб ўтди.*

### Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Идоралараро йиғилишда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг ўз жонига қасд-суиқасд қилиш ҳодисаларининг сабаблари, бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш борасида жамоатчилик билан мутасадди идоралар ҳамкорлигида амалга оширилган ишлар аҳволи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва уларнинг жойлардаги таркибий тармоқлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда давлат бошқаруви идоралари ҳамкорликда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Амалга оширилган ишлар билан бирга, бундай салбий ҳодисаларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, ўтказилаётган комплекс чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлаш ҳамда мутасадди идораларнинг масъулиятини ошириш лозимлиги уқтирилиб, соҳада йўл қўйилаётган камчиликлар танқид остига олинди.

(Давоми 2-бетда).

# Иқтисодий тараққиётимизнинг ҳуқуқий кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунда, албатта, Асосий Қонунимиз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Зеро, унинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган юртимиз иқтисодиёти негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, давлат истеъмолчилар ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Муҳими, ушбу конституциявий кафолат асосида ишлаб чиқилаётган қонун ҳужжатларида тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигига катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида", "Рақобат тўғрисида", "Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар бу борада муҳим қадам бўлганлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Мазкур ҳужжатларда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан асоссиз аралашувларни чеклаш билан боғлиқ кўплаб имтиёз ва кафолатлар белгиланган. Биргина "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунни олиб кўрайлик. Унда мулкдор ҳуқуқи устуворлиги тамойилига амал қилиниши, яъни қонун ҳужжатларидаги хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган бартараф этиб бўлмайдиган зиддият ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилиши билан боғлиқ меъёрлар ҳам ўрин олган. Айни чоғда Қонун билан хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида давлат идоралари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар мансабдор шахслари қонунга хилоф равишда аралашувига, хусусий мулкка тажовуз қилишга, мол-мулкни хусусийлаштириш натижаларининг қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги каби бир қатор хусусий мулкдорлар учун кафолатлар белгиландики, бу соҳа ривожи учун муҳим аҳамият касб этиши ўз-ўзидан тушунарлидир.

Хусусий тармоқ ривожига бу даражада эътибор берилаётганида катта маъно бор. Зеро, истиқлол йилларида давлат мулкини хусусийлаштириш, уни хусусий мулкка сотиш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилиб, 31 мингдан зиёд давлат корхонаси ва объектларининг мулкчилик шакли ўзгартирилиши натижасида бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 82,5 фоиздан кўпроғи, саноат маҳсулоти ва пудрат ишлари ҳажмларининг 90 фоиздан ортиғи, қишлоқ хўжалиги ва савдо соҳасининг деярли барча маҳсулоти иқтисодиётнинг нодавлат сектори улушига тўғри келмоқда.

Мазкур масалаларнинг хўжалик судларига боғлиқ жиҳати шундаки, Конституциянинг 111-моддасига кўра, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари ваколати сифатида белгиланди. Аниқроқ айтганда, шундан келиб чиқиб, хўжалик судларига корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек, тадбиркорларнинг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқларини, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳадаги қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш каби вазифалари юклатилди.

Хўжалик судлари эса жамиятимизда Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини одил судлов асосида ҳимоя қилиш йўли билан уларнинг ишончли кафолатига айланмоқда. Буни хўжалик судларида кўрилаётган ишлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ҳам тасдиқлаб турибди. Масалан, мазкур судлар томонидан 2000 йилда 33 мингта иш кўрилган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 122 мингтани, 2011 йилда 309 мингтани, 2012 йилнинг 9 ойида эса 251 мингтани ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, 2011 йилда кўрилган ишлар сони 2000 йилдагига нисбатан қарийб 9,5 бараварга ўсган.

Яна бир мисол. 2001 йилда хўжалик судлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатида кўрилган ишлар сони қарийб 2,2 мингтани ташкил этган ва улар фойдасига 3,5 миллиард сўмга яқин маблағ ундирилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 27,5 мингтага ва 155,5 миллиард сўмга етган. 2012 йилнинг 9 ойида кўрилган шу тоифадаги ишлар сони қарийб 20 мингдан ошиб, тадбиркорлар фойдасига ундирилган маблағ миқдори 185 миллиард сўмга етгани ҳам эътиборлидир.

Шу ўринда хўжалик судларининг одил судловни амалга ошириш жараёнидаги фаолияти иқтисодий муносабатларда қонунийлик ҳамда тўлов интизомини таъминлаш эканлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бу борада ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Агар 1996 йилда хўжалик судлари қарорлари билан даъвогарлар фойдасига ундирилиши белгиланган маблағ 4,3 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йилда даъвогарлар фойдасига ундирилиши лозим бўлган маблағлар миқдори қарийб 1,6 триллион сўмга етган. 2012 йилнинг 9 ойида эса даъвогарлар фойдасига жавобгарлардан қарийб 7 триллион сўмлик маблағларни ундириш тўғрисида суд ҳужжатлари қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланганидек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг қўлланилиши фақат суд томонидан амалга оширилаётгани бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, бундай тартиб жорий этилиши натижасида мамлакатимизда назорат қилувчи давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан етарли асосларсиз таъсир чоралари қўлланилишининг олди олинмоқда ва бундай тоифадаги низолар судларда ошкора, тарафлар тенг ҳуқуқлилиги асосида ҳал этилмоқда.

Буни жорий йилнинг тўққиз ойида хўжалик судларига назорат қилувчи органлардан тадбиркорлик субъектларига нисбатан таъсир чораларини қўллаш ҳақида 5992 та, шу жумладан, уларни молиявий жаримага тортиш тўғрисида 5503 та ариза тушганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Шундан 878 та ариза қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилмаганлиги боис ва бошқа асосларга кўра рад этилди ёки кўрмасдан қолдирилиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари суд йўли билан ҳимоя қилинди.

Мамлакатимизда чет эл инвесторларини жалб этиш, қулай инвестиция муҳитини яратишнинг конституциявий кафолатлари таъминланганини ҳам айтиб ўтиш зарур. "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир. Мазкур қонун ҳужжатларини қўллаш орқали хўжалик судлари томонидан жорий йилнинг тўққиз ойида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар даъвогарлигида кўрилган 1094 та иш юзасидан улар фойдасига 32,5 миллиард сўм миқдоридаги маблағларни ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинди.

Табиийки, ҳозирги тезкор замонда суд-ҳуқуқ тизимига ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Президентимизнинг жорий йилнинг 18 июлидаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида бу масалага ҳам алоҳида урғу берилган. Яъни унга биноан, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари даъво аризалари ва илтимосномаларини хўжалик судларига бериш тартиб-таомилларини, ўз хоҳишига кўра, электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тартибни ўрнатиш назарда тутилганки, бу ҳам нафақат суд-ҳуқуқ тизими, айни чоғда тадбиркорлик ривожига сезиларли таъсир кўрсатади, албатта.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси суд-ҳуқуқ тизими ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, хусусан, хўжалик судлари фаолиятини такомиллаштириш орқали тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, пировардида аҳолининг турмуш фаровонлигини ҳамда юртимиз нуфузини янада юксалтиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Зотан, Конституциямиз тўла маънода инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳуқуқий Қомусдир.

**Д. МИРЗАКАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси.**

# Маҳалла – оилалар таянчи ва суянчи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Маҳаллаларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўмак бериш орқали оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш амалиёти тобора такомиллашмоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавҳар Алимова. — Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг бундай саъй-ҳаракати кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар уйларини таъмирлаш, фарзандларининг ёзги дам олишини ташкил этиш, уларнинг тўйларини ўтказиш ва бошқа йўналишларда яққол намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, юртимиздаги аксарият маҳаллаларда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга бағишланган маънавий-маърифий, маданий тадбирлар изчил ўтказилаётгани ҳам ўз самарасини бераётир. Қолаверса, оилалар барқарорлигини таъминлаш, ота-оналарнинг ёшларни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий билимларини ошириш учун фуқаролар йиғинларида "Ота-оналар университети" ташкил этилиб, уларга эл орасида ҳурмат-эътибор қозонган юртдошларимиз жалб қилингани ва "Маҳалла — оила — таълим муассасаси" ҳамкорлик механизми янада ривожлантирилаётгани айни муддао бўлмоқда.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви маълумотига кўра, Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар ижросига 20 миллиард 397 миллион сўм йўналтириш режалаштирилган. Шу билан бирга, ҳомийлар томонидан 17,5 миллиард сўм йўналтирилди. Ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Шу мақсадда фуқаролар йиғинлари томонидан 7 миллиард, Фонд ҳисобидан 3 миллиард сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, республикамиз бўйича 66 мингдан ортиқ боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш учун фуқаролар йиғинлари ва Фонд ҳудудий бўлим ҳамда бўлинмалари томонидан 4 миллиард сўмга яқин моддий ёрдам ажратилди.

Маълумки, юксак маънавий муҳит ва моддий таъминот оила мустаҳкамлиги гарови ҳисобланади. Шу боис маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият қаратилмоқда. Натижада оилавий бизнеснинг қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишлари жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда юртимиздаги 4 миллиондан зиёд оила ихтиёрида 495 минг гектар томорқа мавжудлиги, 300 минг хонадонда 7 миллиондан зиёд қорамол парвариш қилинаётгани ҳамда бозорларимиздаги аксарият қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари уларнинг ҳиссасига тўғри келаётгани бунинг яққол далилидир. Фонд, унинг ҳудудий тузилмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда томорқа эгаларига сабзавот, полиз ва картошка уруғлиги ҳамда кўчатларни ёки ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ва маҳаллий ўғитлар, турли препаратлар етказиб берилишида кўмаклашмоқда.

Эътиборлиси, оилавий бизнесни йўлга қўйишда ҳар бир ҳудудга хос хусусият ва имкониятлар ҳисобга олинмоқда. Масалан, шаҳарларда оилавий бизнеснинг савдо ва хизмат кўрсатиш ҳамда ишлаб чиқариш йўналишларига катта эътибор қаратилаётган бўлса, азалий ҳунармандчилик марказларида ҳунармандчилик, тоғли ҳудудларда чорвачилик ва асаларичилик, қишлоқ хўжалиги билан ном қозонган жойларда деҳқончилик жадал ривожланмоқда. Муҳими, ушбу изланишлар ўзини оқлаб, оилавий бизнеснинг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш борасидаги улуши тобора салмоқли бўлиб бораётир. Ҳозирги пайтда сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари ва асалнинг катта қисми оилавий бизнес вакиллари ҳиссасига тўғри келаётгани, гўшт, тухум ва балиқ маҳсулотлари етиштириш ҳажми эса йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ҳам буни тасдиқлайди.

Мухтасар айтганда, бугун Фонд, унинг ҳудудий тузилмалари ва маҳаллалар томонидан оила институтини такомиллаштириш, катта умидлар билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, шу билан бирга, рўзғор ташвишларини осонлаштириш, миллий урф-одатларимизга зид бўлган иллатларга қарши курашда оилаларга яқиндан кўмаклашмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, бугун Самарқанд шаҳрида "Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг оила институтини мустаҳкамлашдаги роли" мавзуидаги икки кунлик халқаро илмий-амалий давра суҳбати ўз ишини бошлайди. Ушбу тадбирда бир қатор хорижлик эксперт-мутахассислар қатнашади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Вазифалар белгилаб олинди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари мувофиқлаштирувчи Кенгашининг навбатдаги йиғилишида фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳамда таниб олинмаган мурдалар топилганлиги ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал қилишда қонунийликни таъминлаш, қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этиш, бу турдаги жиноятларнинг тергови устидан прокурор назорати аҳволи, "Ўзбекистон Республикасида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтиришга қаратилган тадбирлар Дастури" ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан давлат бошқаруви органлари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар ҳолати, айрим турдаги жиноятларнинг ўсиши сабаблари, жиноятларни фош этишга қаратилган тезкор-қидирув фаолияти ҳамда суриштирув ва тергов ўтказилиши устидан прокурор назорати аҳволини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда фуқароларнинг бедарак йўқолганлиги ҳамда таниб олинмаган мурдалар топилганлиги ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал қилишда қонунийликни таъминлаш, ички ишлар органлари томонидан бедарак йўқолган шахсларни қидириб топиш ва таниб олинмаган мурдалар шахсини аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини малакали ташкил этиш, бу борада идоравий ва прокурор назоратини янада кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қасддан одам ўлдириш ва унга суиқасд қилиш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш ҳамда уларнинг олдини олиш борасида кўрилган чоралар туфайли бу тоифадаги жиноятларнинг сони бирмунча камайиб, уларни фош этиш аҳволи яхшиланганлиги таъкидланди.

Ўтган даврда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан давлат бошқаруви органлари ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликдаги фаолият янада яхшиланганлиги эътироф этилди.

Хусусан, алоҳида эътибор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш механизмларини такомиллаштиришга, айниқса, профилактика инспекторларининг аҳоли ўртасидаги фаолияти самарадорлигини ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишдаги ролини оширишга қаратилди.

Шулар билан биргаликда, тегишли органлар фаолиятида ушбу жиноятларни фош этишда тезкор-қидирув имкониятларидан самарали фойдаланиш, тезкор-тергов ҳаракатларининг ҳар томонлама, тўлиқ олиб борилишини таъминлаш, прокуратура, ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди идораларнинг ўзаро ҳамкорлик ва ахборот алмашуви жараёнини янада такомиллаштириш лозимлиги уқтирилди.

Йиғилишда диний экстремизм, терроризм ва давлатнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилиб, шу билан бирга, юқорида кўрсатилган Дастур ижроси юзасидан олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш, белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек, бу борадаги прокурор ва идоравий назоратининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириб бориш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишларда муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хотин-қизлар қўмиталари, ўзини ўзи бошқариш ва давлат бошқаруви идоралари масъул раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Идоралараро ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун тегишли органларга юборилди.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Матбуот хизмати.**

# Инвестиция ва қулай ишбилармонлик муҳити

## экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтирмоқда




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мен раҳбарлик қилаётган сменада 154 нафар йигирувчи меҳнат қилади, — дейди ўзини Ойбек Ражабов деб таништирган мутахассис. — Уларнинг барчаси ўз ишини яхши билади. Биз корхонага янги ишга келганларга тажрибали ходимларимизни бириктириб қўямиз. Ёшлар "Устоз — шогирд" анъанаси доирасида уч ой давомида касб сирларини ўрганишади. Кейин эса мустақил тарзда фаолият бошлайдилар. Ишга ана шундай ёндашув муваффақиятлар калити бўлмоқда. Корхона маҳсулотларига талаб ортиб бораяпти. Бу, ҳеч шубҳасиз, хорижий инвестиция, замонавий технология шарофати, қолаверса, илғор дастгоҳлар билан бемалол "тиллаша" оладиган малакали мутахассисларимиз маҳорати самарасидир.



**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар)**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Амалий натижалар таҳлили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**НАМАНГАН**да бўлиб ўтган вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида қўмитанинг ўтган йиллардаги фаолияти кенг муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда вилоят аҳолисининг 49 фоизини ташкил этган хотин-қизлар халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, саноат, тиббиёт, таълим, қишлоқ хўжалиги, уй меҳнатини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида кўплаб ютуқларга эришаётган опа-сингилларимиз меҳнати диққатга сазовор.

Ҳисобот даврида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини жонлантириш, уларнинг жамиятдаги иштирокини таъминлаш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор ибратли тадбирлар амалга оширилгани қайд этилди.

Вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, соғлом оилаларни шакллантириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароит яратиш масаласи, ҳисоботда келтирилганидек, қўмита аъзоларининг доимий назоратидадир.

— Оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ҳафтанинг ҳар шанба куни — "Хотин-қизлар ўртасида спортни тарғиб этиш куни" деб белгиланган, — дейди Норин тумани хотин-қизлар қўмитасининг раиси Сабоҳат Ҳожибоева. — Унда қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда оилавий спорт мусобақалари, спартакиада, марафонлар, турли суҳбатлар ўтказишни йўлга қўйганмиз. Бу каби тадбирларда 11345 нафардан зиёд хотин-қиз, жумладан, минглаб хонадон бекалари иштирок этди. Айни чоғда шаҳар ва қишлоқлардаги 2 та спорт мажмуаси, 149 та спорт майдончаси, битта бадиий гимнастика залида 12785 нафар қиз жисмоний машғулотларга жалб этилган.

Конференцияда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли, деб баҳоланди. Манзурахон Азизова вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси этиб сайланди.

**АНДИЖОН**да вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференцияси қизғин тарзда ўтди. Унда мазкур қўмитанинг ўтган даврдаги фаолияти сарҳисоб қилинди.

Тадбирда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида сўз юритилди. Эътироф этилганидек, бугун вилоят хотин-қизларининг юртимиз тараққиётидаги улуши тобора ошиб бормоқда. Айниқса, ўз бизнесини йўлга қўяётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида қўмита томонидан муайян ишлар бажарилмоқда. Бунда, шубҳасиз, тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар кутилган самарани бераётир. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида биргина оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 5 миллиард 395 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Натижада юзлаб янги иш ўринлари вужудга келди.

— Ҳақиқатан ҳам, вилоятимизда тадбиркорларга, айниқса, фермер аёлларга эътибор катта, — дейди Улуғнор туманидаги "Дилором" фермер хўжалигининг раҳбари Дилором Раззоқова. — Ҳар йили ғалладан ҳам, пахтадан ҳам мўл-кўл ҳосил етиштираяпмиз. Ўтган йили эришган ютуқларимиз учун вилоят ҳокимининг совғаси — "Нексия" автомобилини қўлга киритдик. Бу йил ҳам меҳнатимиз самарали бўлмоқда. Масалан, ғалладан 65, пахтадан 35 центнердан зиёд ҳосил олдик. Ниятимиз хотин-қизларнинг имкониятларини янада кенгайтириш, уларнинг замон билан ҳамнафас одимлашларига кўмаклашиш экан, бу йўлда ҳар биримиз масъулиятни тўла ҳис қилишимиз зарур.

Конференцияда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам муҳокама этилди. Тадбирда мавжуд муаммоларни бартараф этиш, хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, энг муҳими, ушбу масалаларга ҳар бир инсонда дахлдорлик туйғусини шакллантириш лозимлиги таъкидланди.

Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб Манзурахон Юнусова сайланди.

**ФАРҒОНА**да бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида вилоят хотин-қизлар қўмитасининг 2012 йилга қадар фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди.

Унда ўтган йиллар давомида қўмита томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ чора-тадбирлар изчил амалга оширилгани айтиб ўтилди. Айниқса, сўнгги йилларда ёшларни четдан кириб келаётган "оммавий маданият" хуружидан, турли ёт ғоялар исканжасидан асраш, ўтиш даври муаммоларини елкама-елка туриб бартараф этишда қўмита аъзолари янада фаолроқ иш олиб боришди.

Хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан қабул қилинган ҳудудий дастурлар ижроси ҳам вилоятда изчил таъминланмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида аёллар учун режадаги 30848 ўрнига 33 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ҳам ҳар томонлама кўмак берилаяпти.

Конференцияда қўмита фаолиятига дахлдор бошқа масалалар ҳам чуқур таҳлил этилиб, мавжуд камчиликлар ўртага ташланди ва муаммоларнинг ечимини топишнинг амалий таклифлари илгари сурилди.

Тадбирда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг янги таркиби, тафтиш комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайланди. Мавлуда Хўжаева вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси этиб сайланди.

Ҳисобот-сайлов конференцияларида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Фармацевтика саноати ривожига бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилда бу кўрсаткич 20 фоизга ошиши кутилаяпти. Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш ҳажмини йил охирига қадар 50 миллиард сўмликка етказиш чоралари кўрилмоқда.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашнинг ўзлаштирилишида Маҳаллийлаштириш дастури рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Пировардида илгари четдан келтирилган препаратларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилаяпти. Дастур доирасида биргина 2012 йилнинг 9 ойида 40 номдаги янги дори воситаси маҳаллийлаштирилгани бунга мисол бўла олади.

Анжуманда сўзга чиққанлар фармацевтика саноатининг истиқболларига тўхталиб, ҳали мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганини таъкидлашди. Соҳага инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб этиш, илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан кенгроқ фойдаланиш зарурлиги ҳақида ўзаро фикр алмашилди. Шу мақсадда илмий муассасалар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**1.** Аукцион савдосига ТИФ Миллийбанк бошқарувининг 2012 йил 2 ноябрдаги йиғилиши қарорига асосан, ТИФ Миллийбанкка тегишли, Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, «Наврўзобод» ҚФЙ, «Бирлик» МФЙда жойлашган бино, иншоотлар ва сиғим жиҳозларидан иборат мулклар мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 559 840 189 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига ТИФ Миллийбанк бошқарувининг 2012 йил 30 октябрдаги йиғилиши қарорига асосан, ТИФ Миллийбанкка тегишли, Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, «Лалмикор» ҚФЙ, Тараққиёт маҳалласида жойлашган марказий таъмирлаш устахонаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 336 702 000 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига ТИФ Миллийбанк бошқарувининг 2012 йил 30 октябрдаги йиғилиши қарорига асосан, ТИФ Миллийбанкка тегишли, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузел» ҚФЙ, Хонариқ кўчасида жойлашган 36-уй қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 167 070 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 28 декабрь куни соат 12.00 да савдо ташкилотчиси — «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ жойлашган манзил (Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй)да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 26 декабрь куни соат 18.00.

Юқоридаги мулклар 2012 йил 28 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 4, 11 ва 18 январь кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 4 январдаги такрорий савдолар учун — 2013 йил 2 январь куни соат 18.00, 11 январдаги савдолар учун — 9 январь куни соат 18.00, 18 январдаги савдолар учун — 16 январь куни соат 18.00.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: аукцион ғолиби кўчмас мулкларнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотди шартномасига асосан, лекин муддати 1 йилдан оширилмаган ҳолда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объектлар миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ариза, закалат келишуви, закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади. Савдо ғолиби, деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва муддатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо кунига қадар «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига келиб тушиши учун етарли бўлган муддатларда тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Телефонлар: (8-371) 228-80-23, 228-84-48.**

*Лицензия: RR-0001.* 1964R/1441

---

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Андижон вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Андижон вилояти хўжалик судининг 2012 йил 28 майдаги 17-1203/4749-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 4-уй, «Янги бозор» деҳқон бозори ОАЖ ҳудудида жойлашган, А, А1, А2, А3-литерлардаги техник савдо маркази бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.***

**2.** Андижон вилояти хўжалик судининг 2012 йил 9 апрелдаги 17-1209/2035-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Бобур шоҳкўчасида жойлашган, 3 қаватли қурилиши тугалланмаган савдо дўкони биноси ертўласи билан.

***Бошланғич баҳоси — 228 000 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 13 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 11 декабрь куни соат 18.00.

Такрорий аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг Андижон шаҳар «Савдогар» ОАТ банкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

**Манзил: Андижон ш., Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, 105-хона. Телефон: (8-374) 224-48-53.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 1971R/1441

---

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2011 йил 12 августдаги 2-37-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Абдураҳмон Жомий кўчаси, 15/5-уйда жойлашган, умумий ер майдони 995,64 кв.м.дан иборат сауна биноси ва унинг ичидаги мулклар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 345 553 090 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 12 декабрь куни соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг «Турон» банки Бухоро филиали «Мустақиллик» минибанкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Тел.: (8-365) 223-71-30.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 1968R/1441

---

## «REAL AUKSION» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

*ДАТ «Асака» банки ОАЖ Тошкент шаҳар филиалининг 2012 йил 23 ноябрдаги 25/8170-сонли хатига асосан, ДАТ «Асака» банки ОАЖ Тошкент шаҳар филиалига тегишли, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 73-уйда сақланаётган қуйидаги мулклар такроран савдога қўйилмоқда:*

**1.** 2000 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 894341, кузов рақамисиз, шасси рақами 00152, ранги оқ (белый), автобусни қайд этиш гувоҳномаси ААС № 1681095, давлат рақами 01/ 325 ВАА бўлган, «Мидибус М24.9» русумли (автобус) автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 23 885 282 сўм.***

**2.** 2000 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 0014672, кузов рақами 0007822, шасси рақами 0156131, ранги оқ (белый), «ГАЗ 322132 СНГ» русумли микроавтобусни қайд этиш гувоҳномаси ААС № 1681098, давлат рақами 01/ 328 ВАА бўлган, «ГАЗ 322132 СНГ» русумли (микроавтобус) автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 11 598 940 сўм.***

**3.** 2000 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 0046032, кузов рақами 0022863, шасси рақами 0166084, ранги оқ (белый), «ГАЗ 322132 СНГ» русумли микроавтобусни қайд этиш гувоҳномаси ААС № 1681096, давлат рақами 01/ 326 ВАА бўлган, «ГАЗ 322132 СНГ» русумли (микроавтобус) автотранспорт воситаси.

***Бошланғич баҳоси — 12 164 742 сўм.***

*Аукцион савдоси 2012 йил 14 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.*

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2012 йил 14 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 17 ва 20 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REAL AUKSION» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904996600001, МФО: 00425, СТИР: 302370235.

***Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Торобий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.***

**Гувоҳнома № 006795** 1960A/1090

---



## ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

**ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97

---

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Навоий вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2012 йил 2 июлдаги 21-1206/4426-сонли ижро варақасига асосан, «Навоий тезкор қурилиш» МЧЖдан хатланган, Навоий шаҳри, 7-даҳа, П. Очилов кўчасида жойлашган, умумий майдони 402,89 кв.м., ишчи майдони 441,53 кв.м., 11 хонадан иборат бўлган А литерда белгиланган ёшлар қаҳвахонаси, савдо дўкони, оёқ кийимларни созлаш устахонаси ва сартарошхона бинолари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 187 500 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 28 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 26 декабрь куни соат 18.00.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТИБ «Ипотека-банк»и Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий ш., П. Очилов к., 24-уй, Навоий вилояти Давлат мулкини бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефон: (8-436) 224-44-01, 224-15-61.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 1972R/1441

---

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!***

Танлов савдосига ТИФ Миллийбанк бошқарувининг 2012 йил 30 октябрдаги йиғилиши қарорига асосан, ТИФ Миллийбанкка тегишли, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, «Турон» МФЙ, Маърифат кўчаси, 40-уйда жойлашган бино-иншоотлар ва асбоб-ускуналардан иборат мулкий мажмуа қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 836 448 073 сўм.***

Танлов савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖга тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мулкнинг бошланғич нархидан 15 фоиз миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖга белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин. Танлов ҳужжатларининг нархи савдо ташкилотчиси томонидан белгиланади.

Танлов таклифларини қабул қилиш муддати — 2012 йил 25 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 18.00. Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2012 йил 28 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ мажлислар залида (4-қават) амалга оширилади (таклифлар тушмаган тақдирда танлов савдолари 2013 йил 4, 11, 18 январь кунлари соат 15.00 да такроран ўтказилади, такрорий савдоларга танлов таклифларини қабул қилиш уч кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади).

Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин. Савдода энг мақбул таклиф киритган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: танлов ғолиби кўчмас мулкнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Танлов савдолари ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил:

**100175, Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-79-52.**

*Лицензия: RR-0001.* 1965R/1441

---

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Қашқадарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Ғузор тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2010 йил 10 майдаги 2-32-09/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғузор тумани, Собир Раҳимов маҳалласи, Охунбобоев кўчасида жойлашган, умумий майдони 20200,0 кв.м., қурилиш майдони 6480,36 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган «Ғузор ипак йўли» савдо мажмуаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 340 043 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Китоб тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** ЖИБ Ғузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Китоб тумани, Собир Раҳимов кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 3227,0 кв.м., қурилиш майдони 764,81 кв.м. бўлган «Китоб» меҳмонхонаси.

***Бошланғич баҳоси — 333 482 000 сўм.***

**2.** ЖИБ Ғузор тумани судининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1-243/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Китоб тумани, «Қайнар» ҚФЙ, Қайнар қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 1554,90 кв.м. бўлган «Минг чинор» ўрмон хўжалиги ҳудудидаги дала ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 62 612 000 сўм.***

**III.** Аукцион савдосига Қамаши тумани СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 9 мартдаги 18-1206/2117-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қамаши тумани «Баландчайла» МФЙ ҳудуди, Баландчайла қишлоғида жойлашган, «Қамашимевасабзавоттайёрловсавдо» шўъба корхонасига қарашли, умумий майдони 4000,08 кв.м., қурилиш майдони 339,36 кв.м. бўлган маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 68 342 000 сўм.***

**IV.** Аукцион савдосига Косон тумани СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2009 йил 28 октябрдаги 18-0904/17279-сонли, 2010 йил 8 июлдаги 18-1003/12127-сонли, 2011 йил 4 мартдаги 18-1102/760-сонли, 2011 йил 10 майдаги 18-1105/7909-сонли ва 2011 йил 13 майдаги 18-1105/14089-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Косон тумани, Лолазор маҳалласи, Садриддин Айний кўчасида жойлашган, Косон тумани, «Косон пилла» МЧЖга тегишли, 1976 йилда қурилган, қурилиш ости майдони 1831,31 кв.м.дан иборат бўлган пилла қабул қилиш айвони такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 60 667 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 12 декабрь куни соат 18.00.

**V.** Аукцион савдосига Косон тумани СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 24 майдаги 18-1207/26684-сонли суд буйруғига асосан хатланган, «Косон-92» ОҲЖга тегишли, Косон тумани, Нартибаланд маҳалласи, М. Абдураҳмонова кўчасида жойлашган, умумий майдони 437,92 кв.м. бўлган маъмурий бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 177 096 000 сўм.***

**VI.** Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 17 февралдаги 2-2-12-сонли ижро варақасига асосан, Қарши шаҳри, «Табассум-1» МФЙ, Б. Шерқулов кўчасида жойлашган, «Maxtel Constraction» корхонасидан хатланган, қурилиш майдони 1708,14 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 1555,67 кв.м. бўлган «Мовий гумбаз» чойхонаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 805 263 500 сўм.***

**VII.** Аукцион савдосига Нишон тумани СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 19 январдаги 18-1104/34343-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нишон тумани, Нуристон шаҳарчасида жойлашган, Нишон тумани «Турон» ёшлар спорт клубига қарашли, умумий фойдаланиш майдони 449,21 кв.м., қурилиш майдони 471,88 кв.м., 5 та хонадан иборат бўлган маиший хизмат кўрсатиш биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 14 366 200 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 28 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 26 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Қарши ш., М. Абдуллаева к., 20-уй. Тел.: (8-375) 225-44-58.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 1967R/1441

---

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 13 сентябрдаги 2-138/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А. Қодиров кўчаси, 45-уй, 30-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 59,00 кв.м., яшаш майдони 29,75 кв.м. бўлган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 58 959 018 сўм.***

**2.** Сергели тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туманлараро судининг 2012 йил 1 майдаги 1-1198/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйлиқ-5 даҳаси, 7-уй, 11-хонадонда жойлашган, умумий майдони 38,3 кв.м., яшаш майдони 17,06 кв.м. бўлган, 3-қаватда жойлашган бир хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 21 500 000 сўм.***

Ушбу кўчмас мулкларнинг аукцион савдоси 2012 йил 28 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда бўлиб ўтади.

***<u>Талабгорлар диққатига!</u>*** Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш бўйича такрорий аукцион савдоси 2013 йил 15 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

*Лицензия RR-0017.* 1966R/1192

---

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**1.** Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2012 йил 21 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, Ўрта Чирчиқ тумани, Николай Ли кўчаси, 18-уйда жойлашган бино ва иншоот.

***Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.***

**2.** Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 5078-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, В. Ҳайдаров кўчаси, 27-уй, 3-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 9 101 093 сўм.***

**3.** Қибрай тумани СИБ томонидан 2012 йил 24 июлдаги 11-1026/20410-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Янгиобод» ҚФЙ, Алишеробод кўчасида жойлашган иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 130 795 090 сўм.***

**4.** Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 2012 йил 27 августдаги 11-1125/10219-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Думалоқ қишлоғида жойлашган автокорхона бино ва иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 852 779 200 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 28 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Юқоридаги кўчмас мулклар 2012 йил 28 декабрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 14 январь куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Манзил: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Тел.: (8-371) 266-80-76.**

*Лицензия: RR-0052.* 1962R/121

## Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

*Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақшга қиёсланади. Бу бежиз эмас. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига қанчалик жиддий эътибор қаратилса, унинг таъсири шунчалик эрта кўзга ташланади. Бинобарин, Президентимизнинг бевосита раҳнамолиги ва ташаббуси асосида мамлакатимиз таълим тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида, аввало, ана шу ғоя ўз ифодасини топган.*

# Буюк келажакнинг мустаҳкам пойдевори



***Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.***
***Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.***
***Мактаб ишлари давлат назоратидадир.***

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси).

Айтиш жоизки, Сергели туманида жойлашган 322-умумтаълим мактабига борсангиз, бу ерда ана шу мақсад шиор қилиб олинганлигига амин бўласиз. 1050 ўринга мўлжалланган мазкур мактабда ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Фан тўгараклари, бир қанча спорт тури билан шуғулланишга мўлжалланган зал ўқувчилар ихтиёрида.

— Мамлакатимизда ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури туфайли мактабларимиздаги шарт-шароит ҳамда таълим-тарбия сифати тубдан яхшиланди, — дейди 322-умумтаълим мактаби директори Барно Турғунбоева. — Интерфаол услубларнинг қўлланилиши, замонавий педагогиканинг илғор усулларидан кенг фойдаланилиши ҳам соҳадаги изчил ислоҳотлар натижасидир.

Биласиз, таълим тизимини ҳар томонлама қулай бино-иншоотлар, ўқув ва амалий машғулот қуроллари, лаборатория ускуналари, компьютерсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бироқ булар соҳа ривожининг бир жиҳатигина, холос. Бугун инсониятни жиддий ўйга толдираётган муҳим муаммолардан бири шундаки, айрим ривожланган мамлакатларда ҳам таълим тизимидаги моддий-техник база мустаҳкам бўлишига қарамай, ёшлар ўртасида жиноятчилик, бағритошлик, эътиқодсизлик, ахлоқсизлик сингари ижтимоий ва маънавий емирилишлар кузатилмоқда. Бу эса давлат тараққиёти учун жиддий хавф келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам юртимизда жорий этилган таълим-тарбия тизими олдига ёш авлодни нафақат чуқур билим, замонавий дунёқараш эгаси қилиб ўстириш, балки қалбида эзгу туйғуларни парваришлаш, уларни Ватанга муҳаббат, халққа садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдек масъулиятли вазифа қўйилган.

Халқимизда "Устоз отангдан улуғ" деган ҳикмат бор. Зеро, боланинг чинакам инсон, маънавий қусурларсиз шахс бўлиб тарбияланишида ўқитувчи ва мураббийлар хизмати ота-онанинг меҳнатидан кам эмас. Юртимиз ўқитувчилари ёшларга фақат билим бериш, зеҳнини ўткирлаш хусусида эмас, балки уларнинг намунали хулқ-атвор соҳиби бўлиши, қалбида меҳр-оқибат, бошқаларга ҳурмат-эътибор туйғусини уйғотишда ҳам фидойилик кўрсатишмоқда. Бундай ёндашув болажон халқимизнинг ҳар бир фуқаросига олам-олам қувонч бағишлайди.

Умуман, бугун мактаб таълимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар замирида бола тақдирига миллат тақдири сифатида қараш сиёсати мужассам. Бу сингари эзгу хислат болаларнинг илк сабоқ чиқарувчи маскани — мактабларда ҳам кенг қулоч ёймоқда. Шу маънода, фарзандларнинг ҳар томонлама камол топиши учун бир тану бир жон бўлиб изланаётган 322-мактаб жамоасининг фаолияти эътиборга лойиқ. Меҳрибон ва жонкуяр устозлардан сабоқ олаётган болажонларнинг суҳбатларини эшитиб завқланасиз. Қалби юзкўзларидек беғубор ўғил-қизларнинг орзу-ниятларига эътибор беринг: Абдулла исмли болакай: "Мен келажакда муҳандис бўламан", деса, кўзлари доим кулиб турувчи Моҳинур: "Спортчи бўлиш жону дилим!" дейди ғурур билан. Шунингдек, яна бошқа болажонлар ҳам ўзлари қизиққан касблар ҳақида сўзлай кетишди. Уларнинг турли касб хусусида гапиришлари бежиз эмас. Чунки дарс чоғида устозлар бу ҳақда тўхталиб, болажонларда қизиқиш уйғотадилар.

— Бола гўёки бир нозик навниҳол, — дейди мазкур мактабнинг касбий таълим фани ўқитувчиси Инобат Равшанова. — Уни қандай парвариш қилсак, шундай вояга етади. Шу маънода, уларнинг комил инсон бўлишлари учун ҳар қанча жон койитсак кам. Ахир келажагимиз эгалари деб фарзандларимизга суянаётган эканмиз, уларнинг тарбиясига мактаб давридаёқ масъулият билан ёндашилаётгани изсиз кетмайди, албатта.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Рустам Қосимжонов бешинчи турда ғалабага эришди

FIDE Grand-Prix 2012 TASHKENT 21 Nov. – 04 Dec.

***Кеча пойтахтимиз мезбонлик қилаётган Халқаро шахмат федерацияси — FIDE Гран-присининг иккинчи босқич бешинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.***

Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов бу гал қора доналарда хитойлик Ванг Хаога қарши баҳс олиб борди. Маҳоратли гроссмейстеримиз дастлабки юришларданоқ устунликни ўз томонига оғдиришга интилди. Кўп ҳолларда рақибини мураккаб вазиятларга тушириб қўйди. Ана шундай комбинациялар охир-оқибат 40-юришга келиб самара берди. Ҳамюртимиз Тошкент Гран-присидаги биринчи ғалабасини нишонлади.

Мазкур турдан ўрин олган исроиллик Борис Гельфанд ва АҚШ вакили Гата Камский ўртасидаги қарама-қаршиликка ҳам кўпчилик мухлису мутахассислар қизиқиш билан қараётганди. Чунки мусобақада бу икки спортчининг ишлари унчалик юришмаётган эди. Айниқса, океанортилик гроссмейстер тўртта турдан кейин, бор-йўғи, битта durang натижа қайд этиб, жадвалнинг энг сўнгги поғонасидан жой олиб турганди. Шу боис у бу гал хато қилмаслиги зарур эди. Буни яхши англаган шахматчи бор маҳоратини ишга солди ва муваффақиятга эришди.

Шу куннинг энг тез якунига етган баҳси озарбайжонлик Шаҳриёр Мамедяров ва Италия вакили Фабиано Каруана ўртасида кечди. Унда томонлар 54-юришдан сўнг муроса йўлини танладилар. Россиялик Сергей Карякин ва венгриялик Петер Леко жуфтлигида ҳам худди шундай натижа қайд этилди.

Украиналик Руслан Пономарёв мусобақа пешқадами, россиялик Александр Морозевични мағлубиятга учратди. Шу тариқа у ҳам турнир жадвалидаги мавқеини яхшилаб олди. Кубалик Леньер Домингес Перес ҳамда Россия вакили Пётр Свидлер ўртасидаги беллашувда эса томонлар дурангга имзо чекдилар.

Бешинчи турдан сўнг турнир жадвалидаги вазият ўзгарди. Яъни бир йўла беш нафар шахматчи — Рустам Қосимжонов, Александр Морозевич, Фабиано Каруана, Шаҳриёр Мамедяров ва Сергей Карякин ҳисобидаги очколар сони 3 тага етди.

Улардан кейинги поғоналардан жой олган Руслан Пономарёв, Петер Леко, Ванг Хао ва Пётр Свидлер 2,5 тадан очко жамғарган.

Бугун олтинчи тур ўйинлари ўтказилади. Унда ҳамюртимиз қора доналарда АҚШ вакили Гата Камскийга қарши баҳс юритади.

Шунингдек, Петер Леко — Ванг Хао, Пётр Свидлер — Сергей Карякин, Александр Морозевич — Леньер Домингес Перес, Фабиано Каруана — Руслан Пономарёв, Борис Гельфанд — Шаҳриёр Мамедяров жуфтликлари ҳам ўзаро беллашади.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

## Билимдонлар баҳси

*Наманган шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Конституция — бахтимиз пойдевори" номли кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунланди.*

### Танлов

Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида саралангaн 60 нафар ўқувчи мамлакатимиз Асосий Қонуни моҳиятини очишга йўналтирилган баён, иншо ҳамда тасвирий санъатга доир ижодий ишларини ҳакамлар ҳайъатига ҳавола этди. Якунда Наманган туманидаги 32-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ҳадича Ҳусанова, Янгиқўрғон туманидаги 49-мактаб ўқувчиси Мафтуна Исломова ва шу тумандаги 10-мактаб ўқувчиси Барно Муҳаммаджонова, Чуст туманидаги 53-мактаб ўқувчиси Феруза Абдумаликова ҳамда Наманган шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси Бекзод Акмалов тегишли номинациялар бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Энди улар танловнинг мамлакат босқичида наманганлик ёшлар шарафини ҳимоя қилишади.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Марказнинг замонавий биноси

*Кейинги уч йилда Андижон вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш учун 24 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.*

### Саломатлик

Хусусан, 14 та даволаш-профилактика муассасаси барпо этилди ва реконструкция қилинди. Шифохоналарни жиҳозлаш учун 6 миллиард сўмликдан ортиқ замонавий тиббиёт анжомлари келтирилди.

Эндиликда Қорасув шаҳридаги давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ҳам янги бинода фаолият бошлади. Бу ерда "Андконструкцион" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан 949 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Самарқанд вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Ургут тумани СИБ томонидан ФИБ Тайлоқ туманлараро судининг 2012 йил 16 августдаги 1695-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ургут шаҳри, Дўстлик маҳалласи, Навоий шоҳкўчасида жойлашган, умумий майдони 754,23 кв.м. бўлган (2 қаватли 7 та асосий хона ва 5 та ёрдамчи хонадан иборат) «Бибишоҳ» савдо дўкони биноси қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 155 700 000 сўм.**

***Аукцион савдоси 2012 йил 28 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 26 декабрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 1969R/1441

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Боёвут тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14573(27.1)-сонли, 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14579(27.1)-сонли, 2012 йил 13 апрелдаги 12-1201/5831(27.1)-сонли ижро варақаларига асосан, «Боёвутдавсувмахсуспудрат» ДУКдан хатланган, Сирдарё вилояти, Учтўрғон маҳалласи, Усмон Носир бўлими ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 35527,0 кв.м., умумий қурилиш майдони 3535,61 кв.м., умумий фойдали майдони 3481,29 кв.м. бўлган, 0022-литердан иборат, фойдаланишга яроқли идора биноси ва ёрдамчи бинолар такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 967 045 133 сўм.**

***Аукцион савдоси 2012 йил 18 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 14 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 1970R/1441

**«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ**

***савдолар залида 2012 йил 14 ва 31 декабрь кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объект такроран сотувга қўйилганлигини маълум қилади.***

Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2009 йил 23 февралдаги 14-0810/19407-сонли ижро варақасига асосан, Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан хатланган қуйидаги мулк такроран савдога қўйилмоқда:

«Технософт» хусусий фирмасига тегишли, Самарқанд шаҳри, Кимёгарлар қўрғони ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш цехининг биноси.

**Бошланғич баҳоси — 180 489 000 сўм.**

«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ савдолар залида 2012 йил 28 декабрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объект сотувга қўйилганлигини маълум қилади.

Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2012 йил 6 августдаги 14-1203/8479-сонли ижро варақасига асосан, Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан хатланган қуйидаги мулк такроран савдога қўйилмоқда:

Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 18-уйда жойлашган савдо маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси. Умумий ер майдони — 697,83 кв.м., қурилиш ости майдони — 249,83 кв.м., фойдаланиш майдони — 207,72 кв.м.

**Бошланғич баҳоси — 190 000 000 сўм.**

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» «Амир Темур» Самарқанд шаҳар бўлимининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

**Манзилимиз: Самарқанд ш., Абу Райҳон Беруний к., 196-уй. Тел.: (8-366) 229-03-12, 229-65-88.**
***Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси қаршисида.*** *Лицензия: 0038.* 1963R/477




**ООО «GST OIL» —**
**официальный дистрибьютор в Узбекистане**

Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссик сув, 118.
Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60.
E-mail: gsthyundai@gmail.com
Web site: www.hhi.uz
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН 420R/320

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz 02

**ООО «SHANXAY PLAST GROUP»**
*ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ*
SPG PIPILENE
производит
**полиэтиленовые трубы**
Ø от 16 до 800 мм
для водоснабжения, канализации и газа,
соединительные детали:
**тройники, переходники, отводы, адаптеры.**



*НА ВСЮ ПРОДУКЦИЮ ИМЕЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ И ГИБКАЯ СИСТЕМА СКИДОК.*
**Производим поставку, монтаж и комплектацию ПЭ-трубопроводов Ø от 16 до 800 мм под ключ.**
*Гарантия качества! Звоните!*
Адрес: г. Ташкент, ул. Зиёлилар, 42.
Телефон (+99890) 195-22-15.
Факс 269-02-03.
WWW.pipilene.uz E-mail: sedou2006@yandex.ru 1630R/40

**ТАРОЗИЛАР**
0,0001 гр.дан 250 тоннагача
Micros Ўзбекистондаги расмий ҳамкор
CAS Корпорацияси (Жанубий Корея)
МАССА-К Акциядорлик жамияти



**ИЖАРАГА кран тарозилари бор**
Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис
- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+99871) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50;
- Тойтепа к., 5 ( Мўлжал — давлат поликлиникаси), тел.: (+99871) 232-06-61.

www.micros.uz
e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz
1815R/770


"Ўзкоммунхизмат" агентлиги жамоаси етакчи мутахассис Қобул Ғуломовга падари бузруквори
**Кўчқор ҒУЛОМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 59 813 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5